

Uzbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Bog'ot tumani
НОКИМИ
ФАРМОЙИШИ



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ХОКИМИ
ФАРМОЙИШИ

220200 Боғот шаҳарчаси, Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Тел: 31-52-807, факс: 31-52-425

2020 йил "7" декабр

№ 2314

Боғот шаҳарчаси

1. Боғот туман Ободонлаштириш бошқармасининг 2020 йил 3 декабрдаги №162 сонли сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"нинг 73-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан туман ҳокимининг 2020 йил 6 ноябрдаги 219ф сонли фармойишига асосан ажратилган маблағларни 15 000 минг сўмга камайтириш ҳисобига туман Ободонлаштириш бошқармасига Боғот шаҳарчаси марказига ўрнатиладиган арча харажатлари учун 15 000 минг сўм маблағ ажратилсин.

2. Туман Молия бўлими (Ж.Рўзметов) туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

3. Туман Ҳазначилик бўлинмаси (Ш.Қурбонов) ажратилган маблағни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

4. Боғот туман Ободонлаштириш бошқармаси (О.Авезов) ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминласин.

5. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклансин.

Боғот туман ҳокими

О.Холбоев